

**ТРАКТОР ЭГАСИГА
ҚАЙТАРИЛДИ**

1/

**ОЛМОҚНИНГ
БЕРМОҒИ БОР**

2/

**ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯ**

УНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИГА БИР НАЗАР

3/

**НОЖЎЯ
БОСИЛГАН ҚАДАМ**

4/

MEZON

Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

“ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 1-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 3 (359)
2004 йил
20 январь
сешанба

Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ КУВАЙТГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Кувайт Давлатига жўнаб кетди.



ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КУВАЙТДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ

Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари учун интервью берди.

— Кувайт Давлати билан расмий алоқаларимиз истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошланган, — деди Президент Ислам Каримов. — Бироқ амалий ҳамкорлигимиз бугунги талаблар даражасида эмас. Холбуки, Кувайт Яқин Шарқ минтақасидаги катта иқтисодий ва сарможий имкониятларга эга мамлакатлардан биридир. Айниқса, коммуникация, автомобиль, темир йўл алоқасини йўлга қўйишдан икки томон ҳам манфаатдордир.

Ташрифимиздан кўзланган мақсад ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиш, иқтисодий, молиявий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Ташриф чоғида икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган. Улар икки мамлакат ўртасида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликни ривож-

да мазкур ташкилот билан Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, икки мамлакат ишбилармонларининг алоқаларини фаоллаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу ерда Ислам Каримов Кувайт Миллий Мажлиси раиси Жосим ал-Харрофий билан учрашди. Сўхбат икки мамлакат ўртасида парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, ўзаро муносабатларимизнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мавзуси-

да бўлди.

Кувайт Давлати Амирининг “Баён” қароргоҳида Президент Ислам Каримов билан Бош вазир шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг яқнама-яқна учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон-Кувайт ҳамкорлигига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди.

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида Ўзбекистон билан Кувайт ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни яна-

ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Мухтарам Президент Жаноблари, Тошкент аэропортидаги фойхали авиалоқатда барча йўловчилар ва экипаж аъзоларининг ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар мени ларзага солди.

Германия Федератив Республикаси ҳукумати номидан Сизга ва ҳалок бўлганларнинг ақинларига чуқур ҳамдардликни изҳор этишга ижозат бергайсиз

Герхард ШРЁДЕР,
Германия Федератив Республикасининг
Федерал Канцлери.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари, мамлакатингизда авиация ҳалокати юз бергани ҳақидаги қайғули хабарни чуқур ғам-ташвиш билан қабул қилдим.

Одамларнинг бебаҳо умри ҳазон бўлгани муносабати билан чин дилдан ҳамдардлик изҳор этиш ва қайғунгизга шерик бўлишга ижозат бергайсиз. Мен барча ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига чин юракдан ҳамдардлик билдираман ва марҳумларнинг руҳларига таскин тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Дэньютиро КОИДЗУМИ,
Япония Бош вазири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари, Азиз Дўстим,

Ўзбек авиаконкомпанияси самолёти Тошкент шаҳрида қўнаётган вақтда йўловчилари ва экипаж аъзолари бошига тушган оғир фойжа мени ларзага солди. Ана шу фойжали ҳалокат вақтида қурбон бўлганларнинг қариноқлари ва ақинларига поляк халқи ва шахсан ўз номидан чин қалбдан таъзия ва астойдил ҳамдардлик сўзларини йўллайман.

Александр КВАСЬНЕВСКИ,
Польша Республикаси Президенти.

(Давоми иккинчи бетда)

Ажаб savdolar

Кейинчалик тадбиркорнинг сарсон-саргардон бўлиши, турли хил мутасадди идораларга ёрдам сўраб мурожаат этишига сабаб бўлган воқеа аслида куйидагича рўй берган эди.

“Ҳамдўстлик” хусусий савдо дўконига Асака тумани назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиясининг 2003 йил 7 июл кундаги 12-сонли рухсатномаси ва туман прокуратураси ҳузуридаси солиқ ва валютаси оид жиноятларга қарши кураш бўлими бошлигининг шу кундаги буйруғига асосан бўлим ходимлари Азимжон Ҳасанов ва Дилшодбек Абдуллаевлар «қисқа муддатли текшириш» ўтказишди.

Азимжон Ҳасанов ва Дилшодбек Абдуллаевлар дўконга келиб, ҳеч қандай ҳужжат тақдим қилмаган ҳолда, текшириш ўтказишди. — дейди Набижон Иброҳимов. — Кейин дўкондаги назорат касса аппаратини ҳеч бир ҳужжат расмийлаштирмаган ҳолда ўзлари билан олиб кетишди. Шунингдек, текширувчилар дўкондаги “Текширишларни рўйхатга олиш Китоби”га ҳеч қандай маълумот ёзишмаган. Текшириш учун асослар, текшириш муддати, текшириш ҳуқуқини берувчи буйруқ ёки махсус ҳужжатлар тақдим этилмаган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нахотки, қонун посбонлари “Текширишларни рўйхатга олиш Китоби”га қайд қилинмаган ҳар қандай текшириш ноқонуний эканини билишмайдилар?

Мазкур дўконда қисқа муддатли текшириш учун рухсатнома ўша 7 июл

Нуқуқий ма’рифат

СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

У МЕҲНАТ ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Амалдаги қонунчиликда ҳар бир манфаатдор шахс билан изолашлайётган ҳуқуқи, қонун билан муҳофазат этилаётган манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилишга ҳақли экани алоҳида қайд этилган. Бу ҳол ҳар бир шахс зиммасига судларга қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда даъво қўзғатиш мажбуриятини юклайди. Шунингдек, даъво қўзғатиш ҳуқуқи фуқаролар, давлат манфаатлари ва ташкилотларнинг шахсий ҳақда мулксий ҳуқуқларини биринчи инстанция судида ҳимоя қилишининг процессуал вазосати ҳисобланади.

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоли ишлар юзасидан судга мурожаат қилиш бўйича субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш бир қатор шартларга асосланади. Мазкур шартлардан бири қонунда белгиланган муддатларда судга даъво ариза сиз билан мурожаат қилишдир.

Мамлакатимизда Меҳнат кодексининг 270-моддасига асосан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича қуйидаги муддатлар жорий этилади:

- ишга тиклаш низоли бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;
- ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низоли бўйича зарар етказилган иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;
- бошқа меҳнат низоли бўйича ходим ўз ҳуқуқи

бузилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Бундан ташқари, даъво муддатлари меҳнатга оид барча низоли ишлар учун ҳам қўлланавермайди. Хусусан, Меҳнат кодексининг 270-моддасига кўра, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ўз меҳнат вазибаларини бажараётган ходимнинг солиқига шикаст етказиш оқибатидаги зарар ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича даъво муддатлар жорий этилмайди. Бу эса ўз навбатида, ходимлар меҳнат ҳуқуқларининг кафолатини кенгайтиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда Меҳнат кодексига кўра, ходимга етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ҳуқуқий меъёрларнинг киритилиши муносабати билан судларда қўрилаётган меҳнат ишлари орасида етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар қўпчилигини ташкил этмоқда. Лексин Меҳнат кодексига ходимни ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ва бошқа ишга ўтказиш натижасида етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво талаблари билан судга мурожаат қилиш муддатлари ўз аксини топмади. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги ҳақли савол туғилади: ходим томонидан ишга тиклаш тўғрисидаги даъво талаби билан судга мурожаат қилиш учун белгиланган бир ойлик муддат узриси сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талаб ҳам даъво муддати ўтказиб юборилганлиги боис рад қилиниши мумкинми?

Фуқаролик кодексининг 163-моддасида даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар рўйхати кўрсатилган.

(Давоми учинчи бетда)

НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРИШ:

у кимга фойда, кимга зиён келтирди?

сумли назорат касса аппаратидан фойдаланиб келгани, махсус рухсатномага эга бўлмайд туриб, ҳужжат билан 138.865 сўмлик спиртли ичимликлар сотгани ва бошқа савдо қоидаларини бузган, деган ваз билан 168800 сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб чиқиб кетилган.

Энг ёмони, бу текшириш якунига кўра, хусусий дўкон мудири Набижон Иброҳимов ва сотувчи Арофатхон Қодировга нисбатан 30 июл кунини Жиноят кодексининг 186-1-моддасининг 2-қисми “Б” банди, 190-моддаси 2-қисми “Б” банди ва 189-моддаси 2-қисми “Б” бандлари билан жиноий иш қўзғатилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳўш бу текшириш нечоғли қонуний эди?

Бу саволга жавоб беришдан олдин текшириш ўтказилган хусусий дўкон мудири Набижон Иброҳимов фикрига қўлоқ тўтайлик: — 7 июл кунини Асака тумани СВОЖКБ ходимлари

ширишларни рўйхатга олиш Китоби”га ҳам ҳеч қандай маълумот қўйишмади. “Қисқа муддатли текшириш” ҳақидаги рухсатнома ва буйруқларни ҳам кўрсатишмади. Бунинг устига улар текшириш ҳақида далолатномага имзо чекиришмади, назорат касса аппаратини олиш ҳақида далолатнома ҳам тузишмади. Орадан ўн кун ўтган, департамент ходимлари дўконга қайтиб келиб, 168.800 сўмлик турли маҳсулотларни ашёвий далил сифатида олиб кетишди. Аммо улар менга бирорта ҳам ҳужжат ва далолатномага имзо қўйдиришмади, улардан бирон-бир нусха ҳам беришмади.

Воқеа шу тарзда рўй берган.

Шундан сўнг Анджион вилоят адлия бошқармаси томонидан бу ҳолда ўрганиб чиқилганда, хусусий тадбиркорнинг фикрлари тўлиқ тасдиқини топди. Шу билан бирга “Текширувчилар” томонидан йўл қўйилган бошқа қонунбузилишлар ҳам ошкор бўлди.

Бундан қаранглик, текшириш тартиби бўйича туман Давлат солиқ инспек-

Ваколат масъулияти

УНИ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШГА ҲЕЧ КИМНИНГ ҲАҚҚИ ЙЎҚ

Аввало шунини таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ниҳоятда муҳим жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу жараённи соддалаштириш, қўлай шарт-шароитлар яратиш борасида сўнги йилларда мамлакатимизда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бугунги кунда тадбиркорларнинг турли хил идораларга қатнаб, оилаб сарсон-саргардон бўлишига мутлақо чек қўйилди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳоқимлик қонунини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси зиммасига юклатилди.

Шу ўринда табиий савол туғилади: ҳўш, бугунги кунда бу жараён қандай амалга оширилмоқда? Тадбиркор бу енгилликдан мамнумми? Бу борада яна қан-

дай муаммолар бор?

Шунини айтиш керакки, Адлия вазирлиги томонидан жойлардаги мазкур инспекцияларнинг фаолияти ўрганилганда, айрим хато ва камчиликларга, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, Тошкент вилоятининг Уртачирчиқ тумани ҳоқимлиги ҳузуридagi тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори билан ўзига юклатилган ваколатларнинг бир қисми ноқонуний равишда бошқа нодавлат ташкилотларига бериб қўйилган.

Аниқроқ айтганда, яқна тартибдаги тадбиркорларга солиқ идораларидан “СТИР” рақамларини олиш ва уларга давлат рўйхати-

Давоми. Боши учинчи бетда

Демак, юқоридаги фикрлардан қандай хулоса чиқариш ўзингизга боғлиқ. Энди навбатдаги шикоят хатига эътибор қаратасиз, уни бизга Қорақалпоғистон Республикаси, Тахиятош шаҳри, "Хурлимон" кўчасидаги 6-уй, 2-хонадонда яшовчи Гурбан Худойбердиев йўллаган.

дан ҳам менинг номимга кредит олган экан. Энди "Халк банк"и раҳбарлари ҳам кредитни қайтаришимни талаб қилаяпти. Сизлардан илтимос, ёрдам берсангизлар". Хўш, бундай вазиятда тахририят газетонга қандай ёрдам бериши мумкин? Бунинг устига, у кредит олган ва шу жараёнда икки томонлама имзоланган шартномага "ўз вақтида қайтараман", деб имзо чеккан бўлса, банк ёки банк ходимлари қан-

Tahlil va saboq

зосисиз бу маблагдан фойдалана олмаслиги кўрага ҳассасдек аён-қу?! Шундай экан, ўша олинган пулларга Г. Худойбердиевнинг ўзи ҳам шероқ эмасмикин, деган иштибоҳга борамиз. Чунки қонунни билган, ишени ҳурмат қилган банк ходими ҳеч қачон биронинг номидан бирорвага кредит бермайди. Шундай экан, ҳар иккала ариза-

Mitti maslahat

АЛИМЕНТ ТўЛАШДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Ҳаётда касалик ёки бошқа узрли сабабларга кўра, шунингдек, алимент тўловчининг моддий ва оилавий аҳволининг ёмонлашуви туфайли судлар томонидан алимент тўловчини алимент қарзларини тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиниши мумкин. "Оила" кодексининг 141-моддаси 1-қисмида қайд этилишича, тарафлар ўртасидаги келишувга мувофиқ алимент қарзини тўлашдан озод қилиш ёки уни қайтаришга тарафларнинг ўзаро розилиги бўлгандагина йўл қўйилади, воғга етмаган болаларга алимент тўланадиган ҳоллар бундан мустасно. Таъкидлаш жоизки, алимент қарзини тўлашдан озод қилиш ёки унинг миқдорини қайтариш ҳам суд қарори билан амалга оширилиши мумкин. "Оила" кодексининг 141-моддаси 2-қисмига мувофиқ, агар суд алимент тўлаши шарт бўлган шахс касалиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра алимент тўламаганини аниқласа ҳамда унинг моддий ёки оилавий аҳволи йиғилган алимент қарзини

Jinoyatchilik tarixi

БОЙЛИК ҚУРБОНЛАРИ

Кискаси, жиний гуруҳларнинг биргина ўзаро қонли "ҳисоб-китоб"лари оқибатида "Комсомолск-на-Амур"ликлардан 8 нафар ва 3 нафар босқинчи ҳайдатдан кўз юмди. Аслини айтганда, бу буюрғи қичкина комбинат атрофида рўй берган қонли фожеалар. Агар қудратли иқтисодий тизимни ўз назоратига олиш ҳақида гап кетганда, ҳеч шубҳасиз, қурбонлар сони ҳам бир неча баробарга ортади. НЕФТДАГИ ҚОНЛИ ДОҒЛАР Утган йили Женева суди 1994 йил декабрида Бельгияда ўлдирилган россиялик Владимир Мисюринга тегишли 2 миллиондан ортиқ АҚШ доллари миқдоридagi маблағни Россияга қайтариш тўғрисида қарор чиқарди. В. Мисюриннинг ҳам бойлиги 200 миллион АҚШ долларини ташкил этади. У бу маблағни "Самара Нефти" ("НефтСам") фирмасига рақбар бўлиб ишлаган ўй иллик фаолияти давомида тўплаган. Хуқуқий муҳофаза қилувчи идораларнинг маълумотларига қараганда, "Қуйбашнефтегеогаинтез" корхонаси махсулотларини импорт қилишдан тушган маблағларнинг катта қисми "НефтСам" орқали чет элга чиқиб кетган. Мазкур корхона директори жаноб Зеншин Мисюрин раҳбарлик қилаётган фирманинг муассисларидан бири эди. Бахтга қарши бойлик унга вафо қилмади. 1993 йилда уни Самарда сўйиб кетишди. Умуман айтганда, буюрғи 10 йил давомида Болгада у ёки бу даражада "Самара Нефти"га дахлдор 50 нафардан кўпроқ киши ёлланган қотиллар қурбонли бўлиб қолган. Улар орасида қанчалик тилга олинган корхонанинг яна бир раҳбари Юрий Шабанов ҳам бор эди. Яна ўша Болгада, анқироқ айтганда, Самарга билан ёнма-ён жойлашган Тольятти шаҳрида қарийб 10 йиллик "Авто ВАЗ"га "ҳўжай"ликни кўлга киритиш учун киргизилган кураш давом эттирибди. Хуқуқий муҳофаза қилувчи идораларнинг маълумотларига кўра, ана шу ўтган вақт мубоиятида 500 нафардан зиёд одамнинг ёстиғи қуриган. Улар орасида нафақат Дмитрий Рузляев (Дима Большой), Рафик Шафигулдин (Татар) сингари босқинчилик орқали ном чиқарган, балки қарши кураш бўлими бошлиғи Дмитрий Огородников, "Лада ТВ" телекомпанияси директори Сергей Иванов, АО "Авто ВАЗ" дилерлар ассоциацияси директори Олег Яркин, "ВАЗ" ёнлиғи-мойлаш базаси раҳбари Борис Полев ва бошқалар бор. Тўғри, бугунги кунда шаҳарда ўқлар овози илгаригига нисбатан анча қайтарилган, лекин завод хали-хануз қимларнингидир нафосини қитқилдиган лаҳм гўшт бўлиб қўринаятгани унун ҳам кураш давом этмоқда. МЕТАЛЛ УЧУН КУРАШ Шунинг айтиш керакики, қонли тарихга бую соҳалардан яна бири — металлургидир. Бу борада асосан икки ҳудуд — Урал ва Сибир азият чеккан. Екатеринбург шаҳридаги қабристонда ҳайратонувчи ёдгорлик ва композиция билан безатилган алоҳида хиёбон бор. Бу хиёбондаги қабристон остида қонли Россияга таниқли "Уралмаш" аъзолари ва уларнинг қурбонлари абадий жой олган. Утган асрнинг 90 йиллари биринчи ярмида шаҳарда яшаган қурбонлар кўп сонли "ОП"лар — "афгон"лар, "қўқчи"лар, "марказчи"лар ва "уралмаш"чилар ҳам "фаолият" кўрсатарди. Бу "фаолият" охирида қайд этилганлар шаҳарни бутунлай ўзиники қилиб олиш учун Сўргай Курдмов бошчилигида қалқасарларнинг махсус гуруҳини ташкил этишди. Бу гуруҳнинг тарқилишида ёлланма қотиллар, портлутучилар, машина ўргилари ва кузатувчиларнинг қочқир гуруҳлари мавжуд эди. Бу қалқасарлар аввал ўзларининг жиний рақобатчиларини йўқ қилишди, ундан сўнг эса ўз ишларига жиний рақобатчиларини истамаган бизнесменларга ҳамла қилишди. 1996 йил Қуй Тугилда Қуй-италит металлургия комбинати директори ўринбосари Александр Малиновский ўлдирилди. Навбатдаги қурбон эса Камениск-Уралдаги рангли металлургия ишлаш заводи директори Виктор Токарёв бўлди. Уни қотил

ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР

Тахиятош бўлиминдан 18 ой мuddатга 1.000.000 (бир миллион) сўм кредит олган экан. Ана шу кредитни ўзинига тааллуқли бўлмаган сабабларга кўра, ўз вақтида қайтара олмади. Бир танишим мендан 600.000 (олти юз) миң сўм олиб, "кредитингни ёпиб бераман", деб ваъда берганди. У ўз сўзида турмади... Шундан кейин ўша танишим келиб, менга "Халк банк"идан ҳам кредит олишни таклиф қилди. Мен кўнмадим. "Авал "Саноатқурилишбанк"идан олган қарзимизни у зайлик, ундан кейин "Халк банк"идан кредит оламиз", деб жавоб қўлдим. Аммо у менга бир неча қо қоғозга имзо қўйдириб олди... Яқинда билсам, у "Халк банк"и-

Ҳаёт азиздан мураккаб яраган. Баъзан турмуш сўқмоқларида ташланган биргина нотўғри қадам киши тақдирини бутунлай ўзгартириб юбориши ёки издан чиқариши мумкин. Табиғатки, бундай пайтда пушаймон, афсус-подомат ўтган умрни ҳам, вақтини ҳам орқага қайтара олмайд.

НОЖҲҲА БОСИЛГАН ҚАДАМ

Эндигина балогат ёшига етган Гулбахор суднинг қора курсисидан бошини қўйиб солиб ўтирар экан, 7 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилинганини эшитиб, ўқибди йиллаб юборди...

Албатта, унинг айни дамда аянчи аҳволига ҳамманинг раҳми келади. Лекин у содир этган жиноят жазосиз қолиши мумкин эмас. Хўш, хали ўн гулдан бир гули очилганми қиз қандай жиниятга қўл уюрди? Қандай қораният уни суднинг қора курсисига етаклаб қолди?

Шу ўринда гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, онасининг бевекат ўлими Гулбахорнинг елкасига турмушнинг оғир юкни ташлади. Эндигина 15 ёшига кирган қизча қанчалик қуноқсиниб, эзилмасин — барибир рўзгор ташвиши, укаларини ювиб-тараш каби бир талай юмушлар унинг зиммасига тушган эди. Ана шундай кунларнинг бирини у раҳматли онасининг таниши Роҳат исми аёлни учратиб қолди. Рости гап, онасининг танишини кўриб, унинг кўнгли бузилди, кўзларига ёш келди, томоғига нимадир тиклиди.

Аёлининг бўйнига осилиб тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди, аммо ўзини тўтди. Тилла тишларни ялтйраб, кўзлари ёниб турган аёл ҳам унинг ҳолатини пайқабди шевакли, қизни бағрига босди, аёлининг ўзгиллиб хол-аҳвол сўради. Сўнг килриқларига ёш осилиб турган ёшгина қизчага кўзатиб туриб, ниёти бузилди. Шундан сўнг сохта мулойимлик билан айёрона нигоҳини қиздан узайиб туриб, гап бошлади:

Кизим, сени кўриб, юрагим жуда ачишиб кетди. Узяям роса қилналганидан озиб-тўзиб кетибсан. Бир лайтлар онанг раҳматли билан жуда яқин олданда экан. Сен билмайсан-да, уни қанчалик яхши кўришимин... Бир омонат гапим бор эди. Шунинг ҳозир сенга айтиш ниёти йўқ эди-ю, бироқ раҳматли дугонанинг нариги дунёда жонини азобда қолмасин дейман... Чунки қара нариги дунёда одамнинг бўйнига сиртқок бўлиб тушади, дейишам. Онанг раҳматлининг ҳам мендан 1

бир марта, бошининг ўнг пешона қисмига икки марта ўта шафқатсизлик билан уриб, жавобгарлигини оғирлаштиридан қолган ҳолатларда қасддан ўлдириб, содир этган жиниятнинг яшириши мақсадида Хўжаева Лиманинг мурдасини уйига олиб кириб, мей-

Qilmish-qidirmish

олазарак қараб қизча томон келаятган фирибгар аёл эса шу топда яна ниманидир қидирар



Шаршара

ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТ ЙЎҚИ

Дунё бўйича гивҳандлик моддаларини тарқатувчи ва истеъмол қилувчиларга берилмаган эгир оғир жазо Сингапур давлатида экан. Чунки бу мамлакатда қандайдир модда билан ушланса, тўғридан тўғри ўлим жазосига ҳукм қилинади. Ўлар бу борада жиниятни "енгилаштирувчи" ёки оғирлаштирувчи ҳолатларга таълақ қилишмайди.

Сингапур премьер-министри Го Чок Тонгнинг айтишича, 2001 йилда мамлакатда гивҳандлик воситалари билан қўлга тушган жиниятчилардан 27 нафари қатл этилган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 80 нафарга ўсган.



Шаршара

Charxi kajraftor 18 Ёшли ҲАККЕР

Компьютерлар инсоният ҳаётига кириб кела бошлаган илк йиллардан, ҳаккерлар — яъни компьютерлар билан "олишувчи" билимдонлар ҳам пайдо бўлишган. Яқинда АКШнинг Миннесота штатидаги махсус гуруҳ ходимлари интернетдан фойдаланувчи етти минг компьютерни ишдан чиқаришга маълумлаштирилган программа тузганлида айбланган ҳаккерни қўлга олишди.

Бунинг қарангки, бу шаввоз бо-бўйи 18 ёшга кирган Жеффри Ли Парсон бўлиб чиқди. Агар йигитнинг айби исботланса, у ўн йиллик қамқоқ жазоси ва 250 миң доллар миқдоридида жарима билан "сўйланмади". Ислонбек РУСТАМБЕКОВ тайёрлади.

ҚИСМАТ УЙИНИ

Суд ҳукмидан қўчирма: "Жўракул Хўжаев ғаразли мақсадларни амалга ошириши мақсадида 2003 йил 13 июл кунин соат тахминан 02-лар чамасида спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, маст ҳолда ўзининг бошқарувида бўлган қизил рангли "Тико" русумли автомашинасида Хўжаева Лиманинг уйига келиб, ўта шафқатсизлик билан болаларнинг кўз ўнгиди, ўзи олиб келган пичоғи билан Лима Хўжаеванинг ҳаёти учун муҳим бўлган органларига, яъни қорни қисмига

СУД ОЧЕРКИ

Улардан бир-гина фарзанд-лар эмас, дан-гиллама ховиллар, машиналар, қара бериб, олиб улгурмаган маблағлар, хонадон тўла уй-рўзгор буюмлари, ан-жомлар мерос бўлиб қолди. Жиният билан боғлиқ воқеаларни қузатиб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолсан, киши. Лима Хўжаеванинг ўлими ҳақида унинг Россияда яшовчи қисми В.Кутлизмановага хабар қилинганда, у мархум-

ИНСОН ВА ҚОНУН МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИА ВАЗИРЛИГИ 1996 йилнинг январидан нашр этилади

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ ТАХРИР Икhtiёр АБДУЛЛАЕВ Бўрттоқ МУСТАФОВЕВ Пулат САМАТОВ Хуриш СОДИҚОВ Эркин ҚУДРАТОВ ХАЙЪАТИ: Сайфиддин РАҲИМОВ Фахр АБДУМАЖИДОВ Ислон ХАМРО Холи НОРБОВ Нормейли НОРПУЛАТОВ

Саҳифаловчи-даънафэр: Жайфар ЖАББОРОВ Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ Индекс: 646882 "ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичида, 2 босма табоқ ҳақда, оғдет усулида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўра кўчаси 41-уй. Буюрма Г-219, Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00. Тошхирлиди — 22.30

ЭЪЛОН Самарқанд вилояти адлия бошқармаси хузуридаги Ма-лака комиссиясининг 2003 йил 20 декабрдаги қарорига асо-сан мазкур бошқарма томонидан 1999 йил 17 сентябрда Қариева Назира Мустафаевна номига берилган SA 000356 серияли, 352-тартиб рақами билан давлат реестрида қайд этилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бекор қилинди. Тошкент вилояти адлия бошқармаси жамоаси Чирчиқ ша-ҳар давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Римма Асватовна Чумаринова турмуш ўртоғи Ринат Исхакевич ЧУМАРИНнинг фожали вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик бил-диради. МАНАЖЛИНИНГ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50